

Умар розияллоҳу анҳунинг хавфлари | Тазкия дарслари (243-дарс)



19:00 / 20.08.2023 2907

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Аллоҳ таолонинг азобидан юқори даражада хавф қилиб турадиган инсон эдилар. У киши ўзларининг фазллари ва қилган амалларига ҳеч қачон суяниб қолмас эдилар. Доимо Аллоҳ таолонинг раҳм қилишини тилаб турар эдилар.

لَا قُوَّةَ إِلَّا لِلَّهِ يُضْرَرُ رَمْعٌ نَع
أَيُّ عَامِّ سَلَا نِمِّ دَانُ مِ دَانُ وَ

نَوْلُخِ اَدْمُكِّنِ اِسْ اِن ل ا ا ه ي ا
اَلْجَر ا ل ا ن و ع م ج ا م ك ل ك س ن ج ل ا
و ه ا ن ا ن و ك ا ن ا ت ف خ ل ، ا د ح ا و
س ا ن ل ا ا ه ي ا : د ا ن م ي د ا ن و ل و
اَلْجَر ا ل ا ر ا ن ل ا ن و ل خ ا د م ك ن ا
و ه ا ن ا ن و ك ا ن ا ت و ج ر ل ، ا د ح ا و

Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Агар бир нидо қилувчи осмондан нидо қилиб:

«Эй одамлар! Албатта, бир кишидан бошқа барчангиз жаннатга кирувчиларсиз!» деса, мен ўша одам эмасмиканман, деб қўрқаман.

Агар бир нидо қилувчи нидо қилиб:

«Эй одамлар! Албатта, бир кишидан бошқа барчангиз дўзахга кирувчиларсиз!» деса, мен ўша одам бўлсам, деб умид қиламан».

ه ل ل ا ي ض ر ر م ع ن ب ا ن ع
ا ب ا ي ق ل ر م ع ن ا : ا م ه ن ع
ه ل ل ا ق ف ي ر ع ش ا ل ا ي س و م

نَا كُرْسَيَا ، يَسُومُ أَبَا أَي
لُوسَرَ غَمَ نَاكَ يَدُّلَا كَلَمَع
تُجْرَخُ كُنَّاو ، كَلَّ صُلْخِ هَلْلا
هَرِيخُ أَفَا فِكْ كَلَمَعُ نَم
أَفَا فِكْ هَرِيخُ بَ هَرَشَوِ هَرَشَب
أَي آل : لَأَقْ ؟ كَيْلَعِ آلَوِ كَلَّ آل
دَقَلْ هَلْلاو ، نَي نَمُومُ لَأ رِي مَأ
ءَا فَجُلا نَأو ةَرُصَبْلا تُمَدَق
مُهُتُمُ لَعَفِ ، شَأْفَلُ مَهِي ف
مِهِبُ تُوزَعَو ، ةُنُّسَلْلاو نَأْرُقْلا
يُنَّاو ، هَلْلا لِي بَسِي ف
لَأَقْ ، هَلْضَفْ كَلَّ ذِبْ وُجْرَأَل
تُجْرَخُ يُّنَّا تُدِدَو نَكَلْ : رُمُع

هَرَشَو، هَرَشَبِ هَرِيخَ يَلَمَعُ نَم
الْوَيَلَعِ اَلْ، اَفَاكَ هَرِيخَبِ
عَم يَلَمَعِ يَلَصُحْ وَ، يَلِ
هَاورُ. صَلُحْ مَلِ اِهَلِ اِلِ وُسَرِ
رَكَاسَعُ نَبَا

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Умар розияллоҳу анҳу Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳу билан учрашиб қолди ва:

«Эй Абу Мусо! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бўлган амалларинг холис қолиб, бошқа амалларингдан учма-уч чиқсанг. Яхшиси ёмони билан, ёмони яхшиси билан учма-уч бўлса-ю, сенинг фойданга ҳам, зарарингга ҳам бўлмаса. (Шу) сени хурсанд қиладими?» деди.

Абу Мусо:

«Йўқ! Эй мўминларнинг амири, Аллоҳга қасамки, Мен Басрага келганимда ботил кенг тарқалган экан. Мен уларга Қуръонни ва Суннатни ўргатдим. Улар ила Аллоҳнинг йўлида ғазот қилдим. Мен ўшалар ила У Зотнинг фазлини умид қиламан», деди.

Умар розияллоҳу анҳу:

«Лекин мен ўз амалимдан яхшиси ёмони билан, ёмони яхшиси билан учма-уч бўлиб, менинг фойдамга ҳам, зараримга ҳам бўлмасдан учма-уч чиқишини ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бўлган амалимнинг ўзимга холис бўлишини хуш кўраман», деди».

Ибн Асокир ривоят қилган.

Ҳофиз Абу Бакр Абу Дунё ривоят қиладиларки, бир куни кечаси ҳазрати Умари Одил ўз одатларига кўра Мадинаи Мунаввара кўчаларини айланиб юрган эканлар. Мукулмонлардан бирларининг ҳовлиси ёнидан ўтиб кетаётиб, ҳовли эгасининг намоз ўқиётганини эшитибдилар. Тўхтаб, қироатга қулоқ солибдилар. Уй эгаси «Ват-Тур»ни ўқиб,

﴿۸﴾ دَافِعٌ مِّنْ لَّهُ مَا ﴿۷﴾ الْوَفِيُّ رَبِّكَ عَذَابٌ

«Албатта, Роббининг азоби рўй беражак. Уни қайтарувчи йўқдир»

га етганда, ҳазрати Умар: «Каъбанинг Робби ила қасамки, бу ҳақ қасамдир», дебдилар ва эшакларидан тушиб, деворга суяниб қолибдилар. Бир муддат шу ҳолатда туриб, сўнг уйларига қайтибдилар.

Шундан кейин у киши бир ой касал бўлиб ётган эканлар. Йўқлаб келганлар у кишининг нима билан оғриётганларини билмас эканлар. Қуръон пок ва таъсирчан қалбларга ана шундай таъсир кўрсатган.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди